



**Ҳурматли туманимиз фуқаролари,
нодавлат ва нотижорат
ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш
органлар, оммавий ахборот
воситалари вакиллари**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил
15 октябрдаги “2019-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон

туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 871-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2021 йилги манзилли дастурга асосан жорий йилда Қумқўрғон шаҳрининг бош режаси “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК томонидан ишлаб чиқилиши якунланган.

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 9 ва 21- моддаларига асосан Қумқўрғон шаҳарнинг бош режаси лойихаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда. Лойихалар туман ҳокимлигининг qumqo'rg'on.uz ва Қурилиш бош бошқармасининг terarx.uz сайтларига жойлаштирилган.

Жамоатчилик муҳокамалари 2021 йилнинг 15 декабрдан 25 декабргача давом этади.

Шаҳар бош режаси лойиха юзасидан ўзингизнинг фикр ва таклифларингизни ёзма ёки оғизаки тарзда билдиришлариз мункин.

Бундан ташқари интернет тармоғидаги туман ҳокимлигининг qumqo'rg'on.uz ва Қурилиш бош бошқармасининг terarx.uz сайтлари орқали юборишингиз мумкин.

Лойиха бўйича ёзма ёки оғизаки тарздаги фикр ва таклифлар туман Қурилиш бўлими томонидан қабул қилинади.